

---

## **Олтинчи чақириқ халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгашининг 84-сессияси бўлиб ўтди**

Сессияда шаҳар ҳокимининг тегишли ўринbosарлари, кун тартибига киритилган масалаларга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессия ишига шаҳар ҳокими, Халқ депутатлари Марғилон шаҳар кенгаши раиси Ш.Нисбатхонов раислик қилди ҳамда олиб борди.

Кун тартибида қуидаги масалалар кўриб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташабbusларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-39-сонли қарори ижроси тўғрисида;
2. Марғилон шаҳрида “Аёллар дафтари” юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида ва бошқалар.

Кун тартибидаги масалалр юзасидан масъул раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланиб, сессия якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

2024-03-25 16:33:06